

**2018 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот  
марказида “Ўзқурилишматериаллари” жамияти томонидан  
ўтказилган Матбуот анжумани**

**Пресс-релизи**

2018 йилнинг 30 ноябр куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”! деган эзгу ғояси асосида, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятининг ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, Республикада рақобатдош ва экспортбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлар мавзуларида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти, ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари, жамият таркибига қирувчи йирик завод ва корхоналар масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ва унинг таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан давлатимиз раҳбарининг аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали, импорт ҳажмини камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш борасида берилган топшириқлар ижроси соҳа ривожига муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 25 октябрдаги “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти қурилиш

материаллари саноатини ривожлантириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт потенциалини ошириш, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида қайта ташкил этилган.

Бугунги кунда “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти тармоқда қатор ислоҳот ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этмоқда. Юртимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқлари қаторида ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг лозим даражада бажарилишига эришмоқда.

## **I. Ички бозорда қурилиш материаллари нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар**

Ички бозорда қурилиш материалларининг нархининг ошиб кетишининг олдини олиш ва уларнинг нархини арзонлаштириш борасида ўтган даврда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, кутилган натижалар қайд этилди.

Жумладан, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган 1 тонна цементнинг ўртача биржа нархи шу йил январь ойидагидан (568,4 минг сўм) 26,2 фоизга пасайиб 476,2 минг сўмни, 1 кв метр қурилиш ойнасининг нархи (34,4 минг сўм) 29,9 фоизга пасайиб 24,1 минг сўмни, 1 дона шифернинг нархи (34,3 минг сўм) 5,0 фоизга пасайиб 32,9 минг сўмни ташкил этди.

Цемент нархининг жорий йил бошидагига нисбатан пасайишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3696-сонли қарорига асосан цемент бўйича қўшимча фойда солиғи базасини кўтариш натижасида эришилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларига асосан цемент ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш бўйича кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар цемент нархининг пасайишида асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Жумладан, “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ томонидан Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида йилига 1,5 тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги завод ишга туширилди. Янги заводда ишлаб чиқарилган цемент жорий йилнинг октябрь ойидан биржа савдоларига қўйилиши бошланди.

Қурилиш материаллари нархининг ошишига қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

биринчидан, 2017 йилда шаҳар ва қишлоқларда 11,3 млн. квадрат метр янги турар-жойлар қурилиши ҳамда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам мутаносиб равишда ошиб бормоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сонли қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, табиий газ ва электр энергияси тарифлари тегишинча 3,8 ва 1,6 баробарга оширилган;

учинчидан, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб цемент, ойна ва металл прокат маҳсулотлари ички бозорда фақат биржа савдолари орқали сотиш механизми жорий этилиб, нархдаги чекловлар бекор қилинган. Бу ўз навбатида, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз маҳсулотларига эркин нарх белгилашларига шароит яратди;

тўртинчидан, дарё ўзанларидан қум-шағал қазиб олишга бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилган рухсатномаларнинг бекор қилиниши, инерт материаллари (қум, шағал) нархининг ошишига сабаб бўлди.

Ўтган даврда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш масалалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан:

қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг таннархи таҳлил қилиниб, маҳсулотлар нархини асоссиз оширмаслик чоралари кўрилди;

пишиқ ғишт ва оҳак ишлаб чиқарувчи корхоналарни муқобил ёқилғи тури – кўмирга ўтказиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди ва маҳаллий ҳокимликлар билан манзилли дастур ишлаб чиқилди;

2018-2019 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланди ҳамда ўтган давр учун белгиланган режалар ижроси таъминланди.

**II. Республикада рақобатдош ва экспортбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд имкониятларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, жамият тизимида бу борада маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ мақсадлар белгилаб олинган.**

Ижтимоий соҳа объектлари, нотураp ва аҳоли турар жойлари учун сифатли, арзон, замонавий қурилиш материаллари зарур бўлмоқда. Қурилиш ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этишини, замонавий архитектура янги, сифатли, арзон, енгил ва зилзилабардош, инновацион қурилиш материалларини талаб этишини инобатга оладиган бўлсак, тармоқ тараққиёти аҳамиятини ҳис қилиш қийин эмас.

2017 йилга қадар тармоқда 7 минг 995 корхона фаолият юритган. Айти кунда юртимизда 10 минг 552 қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юритмоқда. 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда улар сони 180 дан ошиб кетди.

Жорий йилда жамият таркибидаги корхоналар томонидан жами 4 триллион 600 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатини 2017 йилга нисбатан 104 фоизга етказиш режалаштирилган. Белгиланган режа бўйича ўтган 9 ойлик натижаларга эътибор қаратамиз. Бунда жами 3 триллион 510 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 102,2 фоизга етказилди. Шунингдек, бу даврда 288 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши эвазига ўсиш 109,8 фоизга таъминлангани янада эътиборга лойиқ.

Жорий йилнинг 9 ойида 5753,9 минг тонна цемент, 9,3 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, 66,5 минг тонна қуруқ қурилиш

қоришмалари, 64,8 минг тонна қурилиш гипси, 25,2 минг тонна оҳак, 37,0 миллион дона деворбоп материаллар, 5,4 миллион дона шифер, 58,9 минг дона сантехкерамика маҳсулотлари каби сифатли ва арзон маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Ушбу даврда қиймати 2346,0 миллиард сўмлик 231 та янги лойиҳа ишга туширилди. Натижада 4857 та иш ўринлари ташкил этилди.

Керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, керамогранит, сэндвич панеллар, юмшоқ томёпқич материаллари, базальт арматураси, суюқ гулқоғоз, иссиқликни сақловчи материалларни ўзлаштиришнинг йўлга қўйилиши ҳам соҳада эришилган ютуқлар ҳисобланади.

Албатта, жамият таркибидаги корхоналар маҳсулотларига ташқи бозорда талаб ортиб бораётгани – бу ҳақиқий баҳодир. Жамият тизимида экспорт ҳажми 2016 йилда 12,9 миллион доллар, 2017 йилда 23,7 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида 40,0 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Режа бўйича кўрсаткич 100,4 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, курук қурилиш аралашмалари, пишган ғишт, табиий тошдан ясалган қопловчи буюмлар, оҳак, полипропилен қувурлар, фитинглар сингари қурилиш материалларига Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон бозорларида талаб ортиб бормоқда.

Эндиликда улар қаторига Тожикистон ва Афғонистон ҳам қўшилди. Негаки, бу давлатларга 2017 йилдан сантехкерамика буюмлари, асбест буюмлар, керамик плиталар, қурилиш ойнаси ва цемент каби маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Қайд этиш жоизки, жамиятда қурилиш материалларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда. Бу жараёнда экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Шу мақсадда, Покистон Республикасининг «Бахрия тавн» йирик компаниясига ишлаб чиқарилаётган 10 дан ортиқ қурилиш материалларининг намуналари, Беларусь Республикасига мамлакатимизда мавжуд табиий пардозбоп тошлар, Ҳиндистонга янги ва замонавий турдаги қурилиш материали ишлаб чиқариш имкониятини берадиган табиий базальт тоши намуналари юборилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони инвесторлар фаолиятига бўлган эътибор ва уларнинг эркин ишлаши учун зарур қулайликлар яратиш йўлида муҳим қадам бўлди. Жамиятимиз таркибидаги корхоналарнинг аксарияти ҳамда тармоқ корхоналари фаолияти ҳам хорижий сармоялар билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, жамият томонидан 2018-2019 йилларда жами лойиҳалар қиймати 1 миллиард 165 миллион долларга тенг (2018 йилда 227 миллион доллар, 2019 йилда 566,4 миллион доллар ва истиқболли лойиҳалар бўйича – 470 миллион доллар) 16 та инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши белгиланган.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ муддат ва масъулларни белгилаган ҳолда “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бундан ташқари, ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланди.

Инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари, техник-иқтисодий асослари ҳисоб-китоблари ва смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

2018 йилнинг 9 ойи якуни билан жами 53,2 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиб, белгиланган режа 132,2 фоизга бажарилди.

Йил якунига қадар умумий қиймати 128,7 миллион доллар бўлган 6 лойиҳа ишга туширилиши таъминланади, натижада Жиззах вилоятида йилига 2,5 минг тонна базальт арматураси, Тошкент вилоятининг “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида йилига 3,5 миллион квадрат метр керамик плитка ва 180 минг тонна металл арматура, Сурхондарё вилоятида жами 160 минг квадрат метр табиий тошни қайта ишлаш орқали габбро ва гранит плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

2019 йилда 8 лойиҳа, жумладан, Фарғона вилоятидаги “Кварц” акциядорлик жамияти базасида йилига 20 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, Сурхондарё вилоятида йилига 150 минг куб метр қамишдан ДСП, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларида янги цемент заводлари ҳамда Навоий вилоятидаги “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятининг иккинчи технологик линиясини модернизация қилиш ҳисобига клинкер ишлаб чиқариш қувватини 400 минг тоннага кўпайтириш каби йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда 26,2 триллион сўмлик 712 та, шу жумладан, 2018 йилда 927,4 миллион долларлик 549 қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига 549 та лойиҳа бўйича 4 триллион 232 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида “Титан цемент” масъулияти чекланган жамиятида 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш учун 37,5 миллион доллар, Сурхондарё вилоятида “Сурхон цемент инвест” хорижий корхонасида 360 минг тонна цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 46,7 миллион доллар, Навоий вилоятида “Зарафшон ойна” масъулияти чекланган жамиятида йилига 10 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси ва 250 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 97 миллион евро, Хоразм

вилоятида “Нью бест стайл” масъулияти чекланган жамиятида 2,1 миллион ўрам гулқоғоз ва 1 миллион қути гулқоғоз елими ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 5,7 миллион доллар, Тошкент вилояти “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида “Great Wall Ceramic” қўшма корхонасида йилига 3,5 миллион квадрат метр керамик плиткалар ва 200 минг дона санитар керамикаси ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 24,3 миллион доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида “Олмалик кон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан 212,8 миллион долларлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига Шеробод цемент заводи қурилиб, йилига 1,5 миллион тонна цемент ва Тошкент шаҳрида “Пергамент кволити эксклюзив” масъулияти чекланган жамиятида 9,5 миллион доллар инвестиция ҳисобига 2,5 миллион рулон гулқоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Mingyuan silu industry” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасида йилига 24 миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 110 миллион доллар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 56,1 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. 2017 йилда лойиҳанинг биринчи босқичида 29 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, йилига четдан импорт қилинаётган 4 миллион квадрат метр безакли ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 210 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд қамиш ва ғўзапоя асосида ДСП ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида йилига 30 минг куб метр ДСП ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилган бўлса, 2018-2019 йилларда Сирдарё ва Навоий вилоятларида яна 50 минг куб метрдан, Сурхондарё вилоятида 150 минг куб метр, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида

жами 50 минг куб метр ДСП тўлиқ маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Айни кунда, маҳаллий хомашёдан энергия тежамкор ва қурилишда ишлатишга анча қулай деворбоп газобетон блоклари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Самарканд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида жами 1 миллион куб метрдан ортиқ газобетон блоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Газобетон ўзининг енгиллиги, табиий газни 8 марта кам сарфлаши, энергия тежамкорлиги ва энг асосийси унумдор тупроқнинг ишлатилмаслиги билан пишиқ ғиштдан бир неча маротаба афзаллиги билан ажралиб туради.

Жамият томонидан маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатдош, экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турини ошириш, шунингдек, янги турдаги сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш бўйича зарурий ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қурилиш материаллари хом ашё захираси мавжуд. Бу борадаги таҳлилларга кўра, юртимизда 924 та қурилиш материаллари хомашё захираси мавжуд конлар аниқланган. Бугунги кунда уларнинг 392 таси, ёки 42,4 фоиздан фойдаланилаётганига эътибор берадиган бўлсак, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бу соҳада катта имкониятлар мавжудлиги тасдиқланади. 2016-2017 йилларда мамлакат бўйича 149 янги кон аниқланган, мавжуд конларнинг 189 тасидан фойдаланишга лицензия берилган. Асосий қурилиш материалларидан бири бўлган цементга тўхталиб ўтадиган бўлсам, бугунги кунда республикада 14 та цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан йилига 9,1 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда йиллик қуввати 3 миллион 120 минг тонна бўлган 8 та, 2019 йил якунига қадар йиллик қуввати 4 миллион 720 минг тонна бўлган 9 та лойиҳа амалга оширилади.

Президентимизнинг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия ва Жанубий Корея давлатларига ташрифи доирасида 2017-2020 йилларда замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 1459,8 миллион долларлик 29 та келишув имзоланди. Бунда тармоқда 3 935 та янги иш ўрнини яратиш кўзда тутилмоқда. Шулардан 12 таси 2018 йилда, 14 таси 2019 йилда, 3 таси 2020 йилда ишга туширилади.

Барча лойиҳалар бўйича тайёрлов ишлари бошланди. Фарғонадаги “Кварц” акциядорлик жамиятида флоат-ойна ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги “Ран тонг металл индастри” корхонасида арматура ишлаб чиқариш, “Охангаронцемент” акциядорлик жамиятида цемент ишлаб чиқариш ана шундай йирик лойиҳалар сирасидандир. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материалларини, шу жумладан, архитектуравий ойна (60 миллион квадрат метр), сэндович панеллар (750 минг квадрат метр), гулқоғоз (8 миллион квадрат метр), гранит ва мрамардан ишланган буюмлар (580 минг квадрат метр), цемент (4,4 миллион тонна), сантехкерамика буюмлари (400 минг дона) ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилади.

Мамлакатимиз бугунги кунда улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида замонавий турар-жой массивлари, ижтимоий соҳа объектлари, мураккаб конструкцияли иншоотлар қад ростламоқда. Биргина, пойтахтимиз мисолида айтадиган бўлсак, Тошкент сити маркази, Тошкент метрополитенининг ер усти линиялари, кўприклар қуриш жадал суръатларда амалга ошмоқда. Бу эса ўз-ўзидан сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келмоқда.

“Ўзқурилишматериаллари” жамияти ва жамият таркибига кирувчи завод ва корхоналар, уларда меҳнат қилаётган кўп минг сонли ишчи-ходимлар бунёдкорлик ишларига ўз меҳнати, янги турдаги маҳсулотлари билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

# **“Ўзқурилишматериаллари” АЖ Ахборот хизмати**